Ўзбекистонлик ва хорижий шериклар ўртасида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг сони 3000 тага етди. Айни пайтда чет эллик иштирокчилар бошқа имтиёзлари билан бирга, «хорижий инвестор» макомини олиш учун зарур бўлган улushi, 1997 йилнинг 1 январда-

ги ҳолатга кўра, 10 фоиздан 30 фоизгача ошди. 1 январгача рўйхатдан ўтган корхоналар эса рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномада белгиланган муддат тугагунга қадар ўзларининг дастлабки имтиёзларини сақлаб қолдилар.

1994 йилда «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги кенг қамровли Қонуннинг қабул қилиниши тўғрйли чет эл ишбилармонлари фаволиятнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Янги қонунлар, норматив ҳужжатлар маъруз Қонун асосида тузилмоқда. «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонунда бошқа чора-тадбирлар қатори сурғат тизимини жорий этиш ва қонунчиликнинг инвесторлар учун анча нуқудай бўлган орқага қайтиш таъсирини маън этиш кўзда тутилган. Чет эл инвесторлари улар рўйхатга олинган пайтда амалда бўлган қонунларга ўн йил мобайнида бўйсунмадилар. «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонунда форс-мажор вазиятлар ташқари қолларда активларни давлат тасарруфига ўтказиш маън этилади ҳамда келишмовчиликларнинг чет элдаги Халқамлик судларида кўриб чиқилиши ва эркин муома-

ладаги валютага айирбошланган фойдани чет элга ўтказиш ҳуқуқи қафолатланади. Юқоридаги Қонунга мувофиқ, корхоналар тариф тўловларинан озод қилинадилар ҳамда ўзлари ишлаб чиқарган товарларни экспорт қилиш ва ишлаб чиқариш дастхотларини импорт қилиш учун лицензия оладилар. Шуниси диққатга сазоворки, «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонуннинг бандларидан бирида йирик чет эллик ҳамкорларга энг муҳим соҳалар бўйича алоҳида имтиёзлар ва алоҳида юридик маком берилиши юзасидан ҳукумат билан музокаралар олиб бориш ҳуқуқи берилиши кўзда тутилган.

1997 йилнинг 1 январиде чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар учун бир неча янги меъёрий ҳужжатлар ва имтиёзлар қабул қилинди. Бу ерда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган саналарга рўйхатга олинган корхоналар рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома муддати тугагунча ўзларининг солиқдан озод қилишга доир дастлабки ва бошқа бир қатор имтиёзларини сақлаб қолдилар. Янги меъёрий ҳужжатлар талабларига кўра, корхоналар учун хорижий сармоя иштироки энг камиде 300.000 долларни ва корхона устав капиталининг камиде 30 фоизини ташкил этиши ҳамда даромад солиқдан озод қилиш муддати беш йилдан етти йилгача узайтирилиши белгиланган. Агар хорижий сармоя иштироки 300.000 дан то 1 млн. долларгача бўлган мижозини ташкил этса ва устав капиталининг 50 фоизидан ошса, у ҳолда солиқ ставкаси 20 фоизгача қамаядди; агар сармоя 1 млн. доллардан ортик мижозини ташкил этиб, устав капиталининг 50 фоиз хорижий иштирокчига тегишли бўлса, солиқ ставкаси

16 фоизгача озаяди. Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллига эришишига ердан берувчи лойиҳалар, айниқса, энергетика, дон, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби устувор соҳалар корхоналари учун энг қўлай имтиёзлар сақлаб қолинган. Янги талабларга жавоб берувчи ва илгари ҳам иқтисодиётнинг устувор соҳаларидаги лойиҳаларда иштирок этган корхоналар солиқ имтиёзларига эга бўлидилар ва солиқлардан 7 йилгача муддатга озод этиладилар.

Импортининг ўрнини босиш, экспортни кенгайтиришга қўмақлашувчи ёки ҳомашёни қайта ишлаш ҳақимини оширишга ердан берувчи санот тармоқлари, жумладан, тўқимачилик саноти катта имтиёзларга эга бўлиди. Шунингдек, ўз инфраструктурасини замонавийлаштириш ёхуд ривожлантириш жараёнини жадаллаштирувчи ёки четдан замонавий ишлаб чиқариш технологияларини келтирувчи корхоналар учун ҳам имтиёзлар берилди. Импортининг ўрнини босиш ёки товарлар экспортини кенгайтириш жараёнига жалб қилинган янги корхоналар, агарда улар-

нинг махсулотлари болалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлса, 5 йил мобайнида даромад солиқдан озод қилинадилар; ушбу муддат тугагандан сўнг улар олдий солиқ ставкасининг ярмини тўлайдилар. Импортининг ўрнини босувчи ёки экспорт товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш жараёнига жалб этилган ҳамда хорижий иштирокчилнинг улushi 50 фоиз ва ундан ортик миқдорни ташкил этадиган барча корхоналар даромад солиқдан 2 йилга озод қилинадилар. Олинган фойдани ишлаб чиқаришга қайта сарфлайдиган корхоналар ҳам даромад солиқдан озод этилади.

Аммо хозирги вақтда йирик инвесторлар Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда жуда муҳим аҳамият касб этмоқдалар. Чунки улар энг зарур инфраструктура ва технологиялар жорий этилишини таъминлашлари мумкин. Бугун энг йирик инвестициялар Longho -- олтин казиб олиш санотини ривожлантириш (250 млн. АҚШ доллари); ВАТ -- тамаки саноти (230 млн. АҚШ доллари); Даевоо -- автомобиль саноти (200 млн. АҚШ доллари) ҳамда Ньомонт -- олтинни қайта ишлаш (

## ХАБАРЛАР ОКИМИ

### УЗЛУКСИЗ ТЕЛЕМАРАФОН

Жиззах вилояти ҳокими қарори билан маҳаллий телевидение фаолиятини яхшилаш ва зарур ускуналар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда телевидениега бир неча ҳомий ташкилотлар бириктиришди.

Ушбу гажхўрликларнинг самараси ўлароқ Гаабанинг 52 йиллиги муносабати билан биринчи мартаба «Ободончилик, ижодкорлик, тадбиркорлик» мавзусида телемарафон дастури намойиш этилди. Кўрсатувда буғунги кунда қишлоқ жойларида ўтказилаётган ислохотларнинг моҳияти, ободончилик, миллий ҳунармандчилик, тадбиркорлик ишлари кенг тарғиб қилинди.

Маҳаллий санъаткорлар, шоиру ёзувчилар ва театр жамоалари чиқиш қилдилар. **Ҳ. НАБИРАЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.


### АЁЛЛАР... УЗОҚ ЯШАЙДИ

«Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлимининг шу йил бошларида оған мавлудларига қараганда 1,5 миллионга яқин аҳоли истиқомат қиладиган Қорақалпоғистон Республикасида юз ёшдан оған табаррук кексалар 109 нафарни ташкил қилар экан.

Аср билан юзлашганлар республиканинг деярли барча туманларида яшаб келмоқда. Бу кишиларнинг биротаси ҳам алоҳида кун тартиби билан яшаган эмаслар. Улар орасида фарзанд кўрмаганлари ҳам, серфарзандлари ҳам, нос ёки тамаки чекканлари ҳам, зарарли одатлардан ўзини тийганлари ҳам бор.

Қорақалпоғистонлик узоқ умр кўрувчиларнинг бу қадар турфа хиллиги, уларнинг яшовчанлиги сирини табиий шароит, ҳаёт тарзи, касб-кор ёки шунга ўхшаш бирор омиллар билан бевосита боғлаб, асослаш қийинчилик тугдирди, албатта. Лекин Қорақалпоғистон бўйича олинган маълумотлар ўз навбатида «аёллар эркакларга нисбатан узоқ яшайди» деган фикрнинг яна бир қарра исботи сифатида хизмат қилиши мумкин. Сабаби бу ерлик 109 нафар асра тенгдош азизларнинг фақат 19 нафарига боболаримиз бўлиб, қолганлари табаррук момолардир.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.



## ФАРЗ

**Унинг олтимишта бақувват-бақувват тераклари бор. Ҳар бир шохи (баргига-да!) шундай қалималар ўйиб битилган: «Умр -- дарахтга ўхшайди. Бир гуллайди, бир сўлади. Ана шу икки манзил ўртасида менинг ҳаётим тарозининг икки палласидай тенглашиб турибди. Кеча қайрилиб ортимга қарайдим: Теракларининг ҳаммаси тик ўсаётди. Демак бизнинг йўлимиз ҳам тўғрига экан...»**

# ТИЛЛАЕВНИНГ ТЕРАКЛАРИ

Сиз ҳайрон бўлаёсиз. Бу Тиллаев деганлари бахшимиз ё ширимдики, теракларнинг шохларидаги «ёзувлар»ни бизга изоҳсиз ўқиб бераёпти, дерсиз ҳам. Йўқ, шовилманг.

У дунё кўрган одам. Дунё деганда ҳаётнинг ҳар қиррагини тушунган. Аср ўзбекининг, тўғрироғи, жайдари дехқоннинг, захматқаш чорвадору-чўпоннинг, боринги, ҳаммининг ДУНИСини беш қўлдай билди. Билмаган соҳаси йўқ ҳисоб. Муаллимлик, ҳуқуқшунослик, ҳуқуқ, ўнлаб касбларнинг ноини татиб кўрган. Ҳозир-чи, дейсизми? Э, оққан дарё оқаверар экан. Толмас ака ҳозирги кунда Чирокчи тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимида бошлиқ. Ёши... Юқорида бекорга олтимишта теракни эсламадим.

Ҳаляям кўз тегмасин, унда икки ингитнинг шашти бор десам лоф бўлмас. Гирунмайсизми? Унда туронгайига бир кулоқ тuting: -- Толмас ака, шу десангиз, асли ўзи одам-зотнинг исмидаган бир ҳикमत бўлар экан шекилли. Бўлмаса, сиз тенглар «э, ишлаб нима қиламан энди, шунча йил давлатга ишладим, қани давлат менга ишласин-чи, деб

### уйида ётади...

-- Ҳар кимнинг ўз ўлчови, йўриғи бор. Менинг эса ўзбекининг зўр шоири бор-ку, Абдулла Ориф айтганидай, ўз жайдари фалсафам бор, сизга айтсам. Майли, қўйинг, дам оладиганлар дамани олсин. Мен ҳали чарчаганим йўқ. Ўрганиш, одат бўлиб қолган менга. Сахармардонда туриб Чирокчининг ичка-риси бир қур айлиниб чиқмади. Маҳаллаларни кузатаман. Узимча кейин тахмин қиламан: манави кўча топ-тоза, одамлариям бир-бирига оқибати, буниси эса сад паллаштироқ. Нотинчликнинг «сири» балки шундандир? Янаям ким билди. Қадимда ҳам боболаримиз уй-ҳовилларга, қолаверса, бозорларга қараб улуснинг аҳил-иноқ, нотинчлигига, баҳо берган-ку!

Мени бошқа бир ташвиш қийнайд. Президентимиз мамлакатнинг қайси вилоят, шаҳар-қишлоғига борсалар, одамлар билан дийдорлашиб, дардлашадилар. Йўқларда ўзини қийнаётган муаммоларни дағдамга очиб ташлайди. Айниқса масъул раҳбарлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Халқнинг тили унда турган ташвишларни рўйи-рост айтди. Шунда ўз-ўзимга савол бераман: бизнинг

раҳбарларимиз шунча таъна-дашномлардан кейин ҳам кўзларини нега очмай-тилар-а? Бу дарди саволга ўз-ўзимдан жавоб ҳам топаман. Улар биринчи навбатда юртбошимиздан ўрнак оласлар арийди. У киши доим халқ билан бирга бўлишлар, кўпроқ улус дардига кулоқ солишлар, деб бежизга қуйнамаслигининг сир-саноатларини англайман ва ақсарият қуйиб бўғиб раҳбарларнинг суботсизлиги ва ношудлигини ана шу оддийгина ҳақиқатни унутиб қўётганида кўраман.

Мана, ҳозир ишлайдиган, яшайдиган замон келди. Чунки энди меҳнатинга ачинайсан-да. Бир томони ўз элиг, ўз мамлакатинг учун ҳар қандай савоб ишини қилиш учун ўзингда катта куч борлигини сезиб турсан. Унда нега раҳбарларимиз сусти ишляпти, дерсиз. Уларнинг тафаккурини, дунёқаролини ўзгартириш керак. Ахир бекорга Президент маънавият масаласини энг асосий йўналиш сифатида эътироф этмадилар-ку! Буни чуқур англаб етиш керак. Қайонгача қараб туралиш. Бизларда юз-хотирчилик, боқибёвмлик, ошқора танқидга чидамаслик, яъни жижизаклик деган иллатлар

бор. Ана шулардан тезроқ қутулиш керак. Улар билан узоққа бориб бўлмайди. Кечагина эшитдим, Андижонда Президентимизнинг ўзи очик айтди ахир: Бизнинг дўшманимиз йўқ, деб. Жуда ҳаққоний ва тўғри гап. Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Эртанингиз ҳеч ким четдан келиб белгилаб бермайди. Ўз тақдиримизни ўзимиз вратамиз.

-- Кеңирасиз, Толмас ака, бир дафтарингиз бор экан. Кўзим тушиб қолди. Унда шундай ёзувлар бор: «Халқимга нафим тегмаган кунни яшаган умрим ҳисобига қўшолмайман. Халқ ва давлат манфаатиндан ўз манфаатини устун қўйиб яхшиликка олиб келмайди». Уларни қачон ёзиб қўйгансиз?

-- Тўрт йилча бўлди-ёв. Озолик замонида ҳар бир ўзбекистонликнинг юрағида акс садо бериб турадиган, ойдин ва нури йўллари йўллайдиган чорлов-да булар. Юртбошимизнинг ҳар биримизни руҳантарадиган бундай ҳикматли сўзларини ҳар тал ўқитанимда ўзимдан сўрайман. Қани бутун нима ҳан қилдим ўзи? Эдошларимнинг кўнглини кўтарадиган савобли, хайри юмушларни бир-бир санайман.

Дарвоқе, қўлимдан келганича шу хонаминг

остонасини умид билан хатлаб ўтаётган ҳар бир инсоннинг кўнглини кўтариб баҳоли қудрат ёрдам берайман. Шундай замонда билганим-да одамнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати!

Шунингдек, бу Чирокчи деганим кичкина жой эмас. Мамлакатнинг бир бурчи. Лекин гоҳо нега ишлар тез юришиб кетмапти, дея орғиниб ҳам қоламан. Очиғи, халқнинг руҳияти, кайфияти яхши. Муҳими, ишлайман, шу халққа савобим тегсин, дейдиганлар кўп. Тадбирқору ишбилармонлар орасида ҳам ўзимиздан, ҳам хориждан шериклар излаётганлар бизда бор. Уларнинг ақсарияти ёшлар эканлигини кўриб бошим осмонга етади. Шуларда энди, юртнинг эртасига эгалик қиладиганлар. Уларни энди ўсиб келаётган ёш нихолларга қиёслаймиз. Бир сўз билан тоғдай ўсиб кетади, бир сўз билан синиб, қайрилиб кетади.

-- Эшитишимча, бу йил Чирокчида тераклар кўп эканлиги...

-- Шағмангизни тушундим. Тўғри, ўртада яхши-яхши бот-роғларимиз эътиборсизлик орқасидан қуриб кетувди. Бўлмаса қандай боғлар барпо қилинган эди. Ҳозир ўтган ўша хатоларни тиклаш бошланди.

Мен мақтанлигини унчалик хуш кўрмайман. Лекин ўз қўлим билан тиклаган боғлар, бинолар, ариқ-каналарнинг бутунги аҳволини кўриб эзилман. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Катта йиллардан берида «қани ким қовунинг қанча кўп нави, уруғини йиғиб келса зўр мукофот бор», деб юбордим. Ишонасизми, чиялик Файзулла Хуррамов деган қишлоқ хўжалик фанлари номзоди қовунинг элик хил уруғини топиб келса бўладики? Қанча шов-шувлар бўлиб кетди, Чирокчида. Мен бу билан нима демоқчиман?

Халқ булоққа ўхшайди. Унда катта бойлик ётибди.

-- Сизни яна қандай ташвишлар ўйлантиряпти?

-- Мен доим умид билан яшашни яхши кўраман. Ўтган кунимга шуқур қилишни яхши кўраман. Нолимайман. Ҳар бир лаҳза ва куннинг қадри қанчалар азизлигини билмаман. Шунинг учун бутунги кунда Чирокчининг эртанги истикболи ҳозирданоқ нурилигини кўришиб турибди. Жуда катта имкониятлар бор. Янги раҳбарлар ҳам катта ишларни бошлашяпти. Лекин... Барбир айтмасам бўлмайди. Мана, ўн йилларки, Чирокчида темир йўл олиб келиш муаммоси ҳақида гапирилади. Натига чиқмаёпти. Ҳатто озгина иш бошлаб ҳам қўйилган. Ёки яна бир ташвишим: икки йилча бурун республика тадбирқорлари йиғинида Чирокчи туманида 2000 йилгача мўлажалланган ишлар дастури (!) совриндор бўлган эди. Ҳаммамиз қувонган эдик. Афсус, дастурда қайд этилган масалаларнинг ақсарияти ечимини топмади.

-- Энди сўнги саволим: кўпни кўрган одамсиз. Умр деганлари бир қарвондай гап. Ўтади кетади. Айтинг-чи, шунча йил яшаб, англаган ҳаёт ҳақиқатингиз нима?

-- Ҳаёт ҳақиқатининг ўзи -- тўғри, ҳалол яшаш дегандир. Яна бир томони, ўзинга эмас, халқинга, Ватанимга қандай хизмат қилганинг, барбир, бир кун келиб тарозига қўйилар экан. Икки палла тенглашса, демак, ёмон яшамасан. Менинг учун Ҳақиқат битта: Ўзбекистон деган давлат ер юзиде ягона. Ҳар биримиз шу юрт, шу мамлакат учун қанча ҳалол хизмат қилсак, умримиз дараҳти ҳам шунчадак яшнаб гуллаверадик.

Эркин ЭСИРАДИЕВ сўхбатлашди.



Термиз туманидаги Халқобод жамоа хўжалиги дала-ларида гўзага ишлов бериш қизғин олиб бориламоқда. Айни дамда мақзур жамоа хўжалигида мавжуд 600 гектар ера экилаган уруғ юз фоиз ушиб чиқиб, мўла ҳосил қўи қўришиб қолди.

СУРАТЛАРДА: бригадир Х. Эриязоров, механизатор Н. Саидов.

И. ХҲЖАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



### ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

Сурхондарё вилояти Денов тумани пиллакорлари маррага етди. Тайёрлов идоралари улардан шартномада белгиланган-дек 44 тонна «кумуш тола» қабул қилиб олди. Деновликлар яна 21 тонна пилла топшириш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Фаргона вилояти Фурқат тумани «кумуш тола» ижодкорлари зафар кучди. Қабул пунктларига 175 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берилди. Миришкорлар яна 40 тонна пилла топширишга аҳд қилдилар.

## «ХАЛҚ СЎЗИ» АРАЛАШГАЧ

### ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

Тахририятимизга хат йўллаган Дехқонobod туманида яшовчи Т. Эшонқулов ўз вазифасидан нотўғри бўшатилганлигини баён қилиб, ушбу масалада ёрдам беришни сўраган эди. **Мақзур шикоят газетамиз назоратига олингач, хатда кўрсатилган муаммо ижобий ҳал этилганлиги тўғрисида жавоб хати олдиқ.**



«Қашқадарё вилояти, Дехқонobod туманидаги С. Айний номи мактабининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Т. Эшонқуловнинг лавозимидан нотўғри бўшатилганлиги тўғрисидаги аризаси вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан урганилди. Хатда келтирилган эътироз-

лар тасдиғини топди. Т. Эшонқулов ҳақиқатан ҳам вазифасидан асоссиз олиб ташланганлиги учун у шу йилнинг 5 майда лавозимига қайта тикланди. Кадрлардан фойдаланиш ва таълим-тарбия жараёнида йўл қўйган хато-камчиликларни учун ушбу мактаб директори вазифасидан озо-

дрилди. Бошқа таълим муассасаларида бундай ҳолатлар қайтарилмаслиги учун туман халқ таълими бўлими томонидан чоратдирлар белгиланди.

Х. МАЪСУДОВ, республика халқ таълими вазири ўринбосари.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбирқорлар палатаси  
Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбирқорларни қўллаб-қувватлаш фонди

**Тадбирқорлар ва мутахассисларни  
“Жунни қайта ишлаш”**  
(29 май 1997 й. Бухоро шаҳрида. 28 май рўйхатдан ўтиш)

**“Мева ва сабзавотларни қуритиш”**  
(30-31 май 1997 й. Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида)

мавзуларида ўтказиладиган семинар-кенгашларга таклиф этади:

иштирокчиларни палата ва фонднинг ҳудудий экспортни ривожлантириш марказларига мурожаат этишларини сўраймиз:

Бухоро ш., Навоий кўч., 3  
Навоий ш., Петров кўч., 26  
Андижон ш., Навоий кўч., 122  
Наманган ш., Носир кўч., 7  
Фаргона ш., М. Қосимов кўч., 62  
Самарқанд вило., Самарқанд ш., М. Улуғбек кўч., 148  
Самарқанд ш., Ота-турк кўч., 10  
Тошкент ш., Путилов кўч., 210  
Гулистон, Навоий кўч., 46  
Жиззах ш., Ш. Рашидов кўч., 63  
Сурхондарё вило., Термиз ш., М. Қаҳҳор кўч., 18  
Қорақалпоғистон, Нукус ш.  
Қашқадарё вило., Қарши ш., Мустақиллик кўч., 1  
Хоразм вило., Урганч ш., ал-Хоразмий кўч., 27

т: (36522) 35-867, 34-817 (модем)  
т: (43622) 33-284, 39-267 (факс), 06-116(мод)  
т: (37422) 65-060, 67-327 (модем)  
т: (36922) 66-100, 64-181, 64-321(модем)  
т: (37322) 47-655, 44-345(факс), 45-958 (мод)  
т: (36622)26-52-05,  
т: 33-73-96, 33-74-03 (модем)  
т: (3712) 65-26-44, 65-26-47(модем)  
т: (36722) 25-47-87, 25-07-00(модем)  
т: (37222) 31-560, 33-421 (факс)  
т: (37622) 37-752, 35-819 (факс)  
т: (36122) 78-663, 78-681 (факс)  
т: (37522) 45-267, 44-818, 30-693(модем)  
т: (36222) 65-244, 68-750(модем)

Экспорт марказлари ишhini мувофиқлаштириш бўлими:  
Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 6-уй  
тел:(3712) 32-09-43, 32-09-42(факс-модем)

**UZDUNROBITA**  
cellular

“Ўздунробита” ҚК ўз абонентларига маълум қиладикки, абонентлик ускуналарини кафолатли таъмирлашдан сўнги ишларни бажариш учун тарифлар

**1997 йил 1 майдан**

**50 фоиз**  
қисқартирилди:

тестлаш  
қисмларни алмаштириш  
иккинчи даражали қисмларни таъмирлаш

“Ўздунробита” ҚКнинг кечаю кундуз ишлайдиган маълумотлар хизмати телефони – **611** (абонентлар учун) ва **30-09-09**

Абонентлар учун барча қўнғироқлар – **бепул**



# ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

22 май, 1997 йил... Эрта тонгдан, Соҳибқирон бобомиз боғи атрофини карнай-сурнай садолари тудди. Бу нуфузли киноанжумани орзиқиб кутган меҳмонлар-ку бирдан Ўзбекистонда яна бир байрам бошланаётганини англашди. Мезбонлар эса...

Етмишни қоралаб қолган машҳур ўзбек актёрларидан бири Хиндистонлик ёш киночилардан бирини кўлиқлаб, мутаржум қизни чорлади: «Қизим, бу йилгини Хиндистондан дейишди. Демак, Раж Капурнинг болалари десам алашмайман. Қани унга тушунтир-чи, мен 40 йилга яқин кинонинг нонини едим. Лекин шунинг 35 йили бир тарафу, қолган 5 йили бир тараф. Ана шу 5 йил менинг умримда энг бахтли кечган давр бўлди десам арзийди. Унга айт, Тошкентни бир замонлар нон ва дўстлик шаҳри дея таърифлашарди. Ҳалиям, шундай, кўз тегмасин. Аммо ана энди кино шаҳри бўлиб қолишига ҳам иймо-

ним қомил».

Соат ун бўлишига ун беш дақиқа вақт қолган. «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси раиси Темурали Юнусов XII Тошкент Халқаро кинофестивали жюри ҳайъатининг раиси, Туркистон халқлари адабиётининг энг ёруғ юлдузларидан бири Чингиз Айтматовни чорлаб, матбуот конференцияси ўтказилмаган залга ташриф буюришди. Ҳамма ҳаяжонда. Чет эллик ва маҳаллий журналистлар, қолаверса, радио-телевидениенинг чопқир техник ходимларига Чингиз оғани ўраб олишди. У соатига қаради. Илтос, шошиланглар, пресс-конференция тугасин, кейин бафуржа гаплашамиз» деди.

Узимизча, тахмин қилувдик: нари борса юздан ортиқроқ журналистлар кирса керак деб. Қайда, бутун зал тўлиб кетди. Матбуот конференциясини

бошқараётган кинофестиваль матбуот маркази раҳбари Аббосхон Усмонов ҳамкасбларини мулоқотга чорлади.

Журналистларнинг тинимсиз берилётган саволларига батафсил жавоб қайтарар экан, Чингиз Айтматов бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш лозимлигини айтди. Яъни бугуннинг тарозиси ўтмишнинг тарозисига нисбатан анча адолатлидир. Яъни ниҳоят, Туркистонда, қолаверса, Марказий Осиёда бир замонлар оққан маънавият ва маърифат дарёлари яна қайтиб оқа бошлаганини эътироф этди.

Матбуот конференцияси тугаётганида журналистлар яна қўлларидagi анжуман дастурига нигоҳ ташладилар. Шунда Чингиз оғанинг юз-кўзларига самимий табассум югуриб, «Ҳозир ҳаммамиз ҳазрат Навоий бобомиз қошига борамиз. Қани кетдик», — дея йўл бошлади.

... Алишер Навоий бобомизнинг боғлари гуллаб ётибди. Бу ерга ҳар куни турли давлатлардан келган меҳмонлар қадам ранжида қиладилар. Еки қаердан нуфузли давлат раҳбарлари еки делегациялари Ўзбекистонга ташриф буюришса, Навоий бобомиз боғи ва ҳайкалини зиёрат қилади. Бу зиёрат замирида сизу бизнинг асрлар оша яшаётган бой тарихимиз, маданиятимизга бўлган улкан ҳурмат ва эҳтиром мужассамлигини чин дилдан ҳис қиламиз. Бугун ҳам дунёнинг турли давлатларидан келган киночилар ҳазрат бобомиз пойига гуллар қўйиб, боғни айландилар. Биз эса анжуман иштирокчилари



Кинофестиваль соғирларди.

нинг тассурутлари билан қизиқдик.



### Паоло Роскон Старикинг (Греция):

— XII Тошкент халқаро кинофестивалига биз «Жодуланган» номли фильмимизни олиб келганмиз. Унда оддий бир грек кизининг машаққатли ҳаёти тасвирланган. Фильм давомида кизча кўп оғир дамларни, бахтсизликларни бошидан кечириди. Унинг тақдири марҳума онасининг тақдири билан уйғун ҳолда тасвирланган. Фильм ниҳосида шўрлик кизча ўзини кўприқдан ташлаб, фожияли равишда ҳалок бўлади. Ёвуз кучларнинг қилмишлари уни шундай йўл тўтишга мажбур қилади. Фильм асосан инсоний муносабатлар, инсон тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Машҳур грек киноактрисаси Эйви Карабато ушбу фильмда бош ролни маҳорат билан ижро этган. Унда кўпчилик гарб киноларига хос бўлган сюрреалистик кўринишлар ҳам, фантастика ҳам уйғунлашиб кетган. Кўрганлар фильм сюжети бениҳоя мазмундор, дейишарди. Биз Тошкент фестивалида илк бор иштирок этапмиз. Тўғриси, ўзбек томошбинлари уни қандай қабул қилишаркан, дея бироз ҳаяжонланаялган ҳам.

— Ўзбекистон ҳақида илк таассурутларингиз қандай?

— Шу пайтга қадар Ўзбекистон мен учун қўл етмас, жозибали дийр эди. Бу ерга келишни мудом орзу қилардим. Чунки Ўзбекистон ҳам Греция каби жуда қадим ва бой маданиятга эга эканлигини яхши биламиз. Самарқанд, Бухоро, Хивадаги машҳур тарихий обидалар, буюк жаҳонгир Амир Темурали хон қўйилган Гўри Амир макбарасини зиёрат қилиш мен учун қанчалик сурури эканлигини билсангиз эди... Яна бир ниятим миллий ўзбек киноси билан ҳам яқиндан танишишдир. Фестиваль давомида шунга ҳаракат қиламан.



### АКБАРХОН, актёр, продюссер, режиссёр (Хиндистон):

— Бундан тўққиз йил олдин илк бор Тошкент кинофестивалида иштирок этган эдим. Ушанда учта фильмимизни олиб келган эдик. «Ходиса» деб номланган ана шу фильмлардан бирида мен актёр сифатида суратга тушган, режиссёрлик ва продюссерлик қилган эдим. Ушанда ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, фестивални ташкиллаштиришдаги тартиб-интизом менга жуда маъқул бўлган эди. Бу гал ҳам ана шу аъёнларнинг гувоҳи бўлдим ва бундан бениҳоя хурсандман.

Бу галги фестивалга ташриф буюришимдан мақсад, биз Ўзбекистон кино ижодкорлари билан ҳамкорликда ўзбек ва хинд халқлари учун сеvimли бўлган, буюк инсон Захриддин Муҳаммад Бобур ҳақида тарихий фильмини суратга олишни ният қилганмиз. Бу ерда ана шу фильм сценарийси хусусида фикрлашиб оламиз. Бундан ташқари, мен Акбаршоҳ ва унинг бобоси Бобур ҳақида ҳикоя қилувчи телесериални суратга олганман. У уч қисмдан иборат телезепс бўлиб, эллик сериядан ортиқдир. Мана шу телесериални ўзбек томошбинлари эътиборига ҳавола қилиш учун олиб келганман. Насиб этса, яқин келажақда у мамлакатингиз ойнаи жаҳони орқали ўзбек хонадонига кириб боради, деб уйлайман.



### Дени ОСКЕРИС, актриса (Туркия):

— Мен кино санъатига тасодифан кириб келганман. Лекин актриса бўлганлигимдан ҳечам афсусланмайман. Чунки шу вақтга қадар бир қанча фильмларда етакчи роллар ижро этиб, бу соҳада ўз ўрнини топа олдим. Хусусан, Туркия кино шинавандалари эътиборига ҳавола этилган учта катта телесериалларда образлар яратганман. Тошкент кинофестивали

конкурсда намойиш этиладиган Туркия кино ижодкорлари томонидан суратга олинган «Улмас каранфилерлар» фильмида ҳам зўравонликка қарши курашаётган кишининг рафиқаси ролини ўйнаганман. Умид қиламанки, фильмимиз ўзбек томошбинларининг ҳам кўнглидан жой олади.

Биз бугун эрталаб Тошкентга келдик. Яшил шаҳарнинг чиройли кўчалари, хиёбонлари менда ажиб таассурут уйғотди.

Норқобил ЖАЛИЛ,  
Фафур ШЕРМУҲАММАД,  
Тулқин КАРИМОВ  
(суратқаш),  
«Халқ сўзи» муҳбирлари.

Technology that works for life

SAMSUNG ELECTRONICS

## Видеокамераси VP-K85

16 қарра оптик катталаштирувчи ва рангли видеоизловчи 8 мм.ли видеокамера.

- Такомиллаштирилган юқори сифатли рангли видеоизловчи.
- 16 қарра оптик катталаштириш.
- HI-FI Stereo товуш.
- Ёрузликни кучайтириш учун ичига қўйилган лампа.
- 5 режимида автоэкспозиция.
- Махсус рақамли безаклар (электрон ва сунъий ёрузлик фильтрининг вазифаси).
- Титларнинг ичига жойлашган генератор.
- Катталиги ташриф карточкасида келадиган масофадан бошқариш пульта.

### Фирма дўконлари

TOU Ко. Лтд.	Тошкент	Амир Темурали кўчаси, 110	(3712)	34-02-58
				35-09-86
Кафолат Файз	Тошкент	Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори	(3712)	42-29-89
Кафолат Файз	Тошкент	Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон.	(3712)	41-46-38
Отaxon	Фаргона	Ал-Фаргоний кўчаси, 20	(3732)	24-78-76
Наврўз	Андижон	Мустақиллик кўчаси, 14	(37422)	43-8-60

SAMSUNG

## КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ХУСУСИЙ ФИРМА РАҲБАРЛАРИ, ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1997 йил 27 майдан 29 майгача Самарқанд товар-хонашиё биржаси томонидан Самарқандулгуржибиржасавдо, вилоят тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси, Давлат мулк қўмитасининг худудий бошқармаси билан ҳамкорликда Самарқанд вилояти ҳокимлиги раҳбарлигида "Буюк ипак йўли" амалий ҳамкорлик халқаро форуми ўтказилади. Анжуман "Афросиёб" сайёҳлик мажмуи биносида бўлади.

Анжуманга МДХ мамлакатлари ва узоқ хорижийнинг товар ишлаб чиқарувчилари, инвесторлар таклиф этилган.

Ишонимизки, форум энг яхши маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларни жамул-жам этади. Улар турли-туман маҳсулотларини тақдим тадбир, тўпланган тақрибалари билан ўртоқлашадилар, узоқ муддатли шериклик алоқасини ўрнатадилар ва ўзаро манфаатли шартномалар тўзадилар.

Шунингдек, анжуман доирасида Самарқанд вилояти корхоналарининг ўрнатилмаган ускуналари сотилади.

Шу билан бирга маълум қиламиз: ярмаркада тузилган экспорт шартномалари божхона пошминасидан, лицензиядан ва давлат бюджетига 30 фоизлик мажбурий валюта тўловидан озод этилади.

**Боғланиш учун телефонлар: (8-3662) 33-71-66, 33-70-51. Факс: 31-17-66.**

**Ташкилий қўмита.**

**Эркалар бақувват бўлиши керак**

**СТАМИНА**

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

**АПИФЕН**

мушак оғриқларини қолдирадиган ишончли, самарали восита.

Кунига уч маҳал 1-2 таблеткадан.

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

© 1997 гўрчи ақдотти фарма дилитид

«Уздонмаҳсулот» Давлат — акционерлик корпорация бошқаруви ижро девони жамоаси, бошқарма бошлиғи Р. Лутфуллаевага акаси Сайфулла ЛУТФУЛЛАЕВНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдардик билдиради.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Чирчиқдаги «Электромобсановт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг собиқ бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис Вохид ҚОДИРОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

**ХАЛҚ СЎЗИ**  
НАРОДНОЕ СЛОВО

**Бош муҳаррир**  
Аббосхон УСМОНОВ

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**БЎЛИМЛАР:**  
Парламент 33-57-34;  
Хатлар 33-07-48;  
Хўж ва қонунчилик 36-37-85;  
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;  
Маънавият 36-35-60;  
Тунги муҳарририят 33-10-28;  
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001  
Буюртма Г — 0298, 40 290 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2  
Газета ИВМ компьютерида терилди ва оператор Рустам АЗИМОВ томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6